

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30. 12.2019. Tar.01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОДЖАМБЕРДИЕВ ХУРШИДБЕК ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ – СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИ  
(1970 – 1991 йиллар)**

**07.00.01. – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

<b>Ходжамбердиев Хуршидбек Эгамбердиевич</b> Ўзбекистонда ижтимоий–сиёсий жараёнлар тарихи (1970 – 1991 йиллар) .....	3
<b>Ходжамбердиев Хуршидбек Эгамбердиевич</b> История социально–политические процессы в Узбекистане (1970 – 1991 гг.) .....	27
<b>Khodjamberdiev Khurshidbek Egamberdievich</b> The history of social-political processes in Uzbekistan (1970-1991).....	51
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30. 12.2019. Tar.01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОДЖАМБЕРДИЕВ ХУРШИДБЕК ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ – СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИ  
(1970 – 1991 йиллар)**

**07.00.01. – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2020**

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Tag102 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.puu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бобожонова Дилором Бобожоновна тарих фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Обламурадов Наим Халимович тарих фанлари доктори, профессор  Пасилов Баҳодир Абдуллаевич тарих фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019 Tag.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «5» 12 соат даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети, 1-кават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21; (99871)246-02-24, e-mail: [pauka@puu.uz](mailto:pauka@puu.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 96 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04.

Диссертация автореферати 2020 йил «18» 11 кун тарқатилди.  
(2020 йил «28» 11 даги 25 - рақамли реестр баённомаси)



**А. А. Маърулов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор

**Д. Ж. Урақов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.н., доцент

**Н.У.Мусаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д.,  
профессор

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнлари шиддат билан кучайиб бораётган айни пайтда дунё мамлакатлари кундалик ҳаётида ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жадал тус олмоқда. Бир томондан интеграция таъсирида халкларнинг ўзаро яқинлашуви кузатилаётган бўлса, иккинчи томондан ҳозирги даврда жаҳон жўғрофий харитасида янги давлатларнинг пайдо бўлиши ва аҳоли сонининг шиддат билан ўсиб бориши ўз навбатида қатор ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни вужудга келтириб, этник зиддиятлар ортишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолат мамлакатлар ички ҳаётида оқилона ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боришни тақозо этмоқда.

Дунёнинг қатор илмий муассасаларида глобал муаммоларнинг мамлакатлар аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-маданий ҳаётига таъсирини бартараф этиш мақсадида жамиятда миллатлараро тотувлик ва толерантликни қарор топтириш, сиёсий институтлар фаолиятини либераллаштириш ҳамда модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва уларнинг тарихини ўрганиш борасида махсус тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Чунончи, иқтисодий сиёсат ва унинг аҳоли турмуш тарзида акс этиши, турли аҳоли қатламлари ижтимоий ҳолатининг миллатлараро муносабатларга таъсири, моҳияти ва унинг оқибатлари, ижтимоий ҳолати каби мавзулар устувор саналиб, тегишли хулосалар чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида жамият ҳаётининг барча соҳаларида рўй берган ижобий ўзгаришлар, халқнинг ижтимоий аҳолини яхшилашга, унинг ҳуқуқий маданиятини оширишга ва сиёсий фаоллигини кучайтиришга оид ислоҳотларнинг амалга оширилиши ёш авлодда тарихий тафаккурни шаклланишида муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, Конституциямиз “юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуришда мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда”<sup>1</sup>. Мазкур жараёнда собиқ совет даврида республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган мураккаб ва зиддиятли масалаларни таҳлил қилиш, бугунги кун ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги туб ислоҳотлар тарихий тажрибасини ўрганиш эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонуни устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2016 йил 6 декабрь.

жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги даврда Ўзбекистон ва МДХ давлатларида СССР тарихи, суверен давлатларнинг миллий тарихини ўрганиш бўйича муайян тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг XX аср 70-80 йиллар тарихини миллий ғоя ва миллий манфаатлар нуқтаи-назаридан янгидан яратиш жараёни ҳам давом этмоқда. Бу давр тарихини яратишдаги объектив таҳлиллар фақат 2000 йиллардан янада оммалашди, бу даврга келиб 1970-1980 йиллар тарихини талқин этишга доир янгича қарашлар пайдо бўлди.

Диссертацияда XX асрнинг 70-80 йилларида Ўзбекистонда кечган сиёсий ва ижтимоий-тарихий жараёнларга доир мавжуд адабиётлар қуйидаги гуруҳларга бўлиб таҳлил этилди: 1) собиқ совет даврида нашр этилган илмий адабиётлар ҳамда оммавий нашрлар; 2) мустақиллик даврида яратилган илмий тадқиқотлар; 3) мавзуга доир изланишлар олиб борган хорижий тарихчилар, сиёсатшунослар ва социологларнинг илмий тадқиқотлари<sup>2</sup>.

Совет ҳокимияти йилларида жамиятнинг 1970-1980 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти масалаларига доир кўплаб тадқиқотлар яратилган. Хусусан, Ш. Зиёмов, Р. Абдуллаева, Х. Зоҳидов, Г. Абророва, А. Агзамходжаев, А. Мавлонов, Р. Каримов, Э. Тўхтаев, А. Абдуллаевлар<sup>3</sup> бу даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг айрим жиҳатларини ўша давр нуқтаи назаридан, ҳукмрон мафкура талаблари

<sup>2</sup> Мавзу тарихшунослиги I-бобда батафсил таҳлил этилган.

<sup>3</sup> Зиёмов Ш. Кадровая политика КПСС в действии. – Ташкент: Ўзбекистан, 1980. – 208 с; Ўша муаллиф. Деятельность КПСС по совершенствованию подбора, расстановки и воспитания руководящих кадров в условиях развитого социализма (на примере Компартии Узбекистана): Автореф. ... дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 1982. – 50 с; Абдуллаева Р.Х. Руководство КПСС в период зрелого социализма (на материалах парторганизаций Узбекской ССР). – Ташкент: Ўзбекистан, 1982. – 295 с; Зоҳидов Х. Дialectика развития духовной культуры и социальной активности масс в условиях развитого социализма: Автореф. ... дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 1983. – 30 с.; Абророва Г.А. Деятельность компартии Узбекистана по идейно-организационному укреплению комсомола республики (1966-1975 гг.): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1983. – 170 с; Агзамходжаев А. Воплощение социалистического интернационализма в многонациональном государстве. – Ташкент: Фан, 1984. – 218 с; Мавлонов А.М. Осуществление аграрной политики в Узбекистане (1965-1980 гг.): Автореф. ... дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 1987. – 45 с; Каримов Р. Возрастание роли общественного сознания в объединении народов СССР в условиях развитого социализма: Автореф. ... дисс. канд. филос. наук. – Ташкент, 1988. – 28 с; Тўхтаев Э.С. Социально-экономические проблемы повышения уровня жизни сельского населения Узбекской ССР. – Ташкент: Фан, 1990. – 139 с; Абдуллаев А.Б. Участие профсоюзов Узбекистана в развитии трудовой и творческой активности трудящихся масс (1965 -1980 гг.) (На материалах Хорезмской области): Автореф. ... дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1991. – 25с.



бўйича ёритганлар. Бу даврда миллий тарихни холис, миллий манфаатлар асосида яратишнинг имкони бўлмаган. Шу боис, бу даврда яратилган тарихий асарлар ғояси ҳозирги миллий давлатчилик тарихининг ўтмиши сифатидаги талабларга ҳам жавоб бера олмади. Албатта, бу ҳолат МДХ давлатларининг барчаси учун хос бўлди.

Иккинчи гуруҳга мансуб тадқиқотлар мустақиллик йилларида яратилган бўлиб, уларда ўзбекистонлик кўплаб тарихчи-олимлар “турғунлик” ва “кайта қуриш” даври масалаларини ёритганлар. Тадқиқотчилардан А. Маврулов, А. Машарипов, А. Хазраткулов, Н. Обламуродов, Р. Носиров, Б. Пасилов, К. Эргашев, Д. Бобожонова, К. Расулов, А. Пўлатов, Х. Юнусоваларнинг диссертацияларида<sup>4</sup> Ўзбекистонда ўтган асрнинг 70-80 йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг алоҳида масалалари тадқиқ этилган. Ўрганилаётган мавзунинг у ёки бу жиҳатлари тарихчи, файласуф, иқтисодчи, ҳуқуқшунос олимлардан С. Ризаев, Ж. Мамашукуров, Р. Абдуллаева, А. Азизхўжаевлар томонидан ҳам тадқиқ этилди<sup>5</sup>.

Бу тадқиқотларнинг аксарияти ушбу мавзу объектидан анча йироқ бўлиб, улар маданият, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг у ёки бу йўналишларини ўз ичига олади. Қолаверса, уларнинг кўпчилиги 1993-1996 йилларда, яъни – бу даврга доир миллий ва хорижий тарихий материаллар эълон қилинишидан олдин ёзилган эди. Мазкур мавзуга Д. Бобожонова ва Х. Юнусованинг диссертациялари мазмунан яқин келса-да, улар асосан маҳаллий манбаларга асосланиб ёритилган.

Мустақиллик арафаси ва мустақилликнинг илк йилларида ўрганилаётган давр Ўзбекистоннинг ижтимоий ва сиёсий жараёнларига доир мақолалар Х. Бобобеков, Ш. Абдуллаевлар томонидан эълон қилинди<sup>6</sup>. Совет

<sup>4</sup> Маврулов А. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти: умумий ҳолати, муаммолар, тарвиёт йўналишлари (70-йилларнинг ўрталари – 1990 й.): Тарих фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1993. – 279 б.; Машарипов А. Деятельность профсоюзов Узбекистана по защите социальных интересов трудящихся (1971-1990 гг.) Опыт. Уроки. Проблемы: Автореф. ... дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 1991. – 45 с.; Хазраткулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения. Специфика. Опыт. Перспективы (1971-1990): Автореф. ... дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 1993. – 56 с.; Обламуродов Н. Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971-1990 гг. Опыт, уроки и проблемы: Автореф. ... дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 1994. – 53 с.; Насыров Р.А. Социальное развитие села Узбекистана (1965-1985 гг.): Автореф. ... дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 1994. – 50 с.; Пасилов Б.А. Нормативные документы как источники по исследованию социально-экономических и общественно-политических процессов в Узбекистане (80-е – начало 90-х гг.): Автореф. ... дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – 31 с.; Эргашев К. Развитие общеобразовательной школы в Узбекистане. 70-е – 90-е гг. проблемы и тенденции: Автореф. ... дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 1996. – 46 с.; Бобожонова Д. Социально-экономические аспекты межэтнических отношений в Узбекистане (70-е – середина 80-х гг.): Автореф. ... дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 1997. – 56 с.; Расулов К.Р. Обеспечение межнационального согласия и мира в Узбекистане во второй половине 80-х – начале 90-х годов: Автореф. ... дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1999. – 50 с.; Пўлатов А.Х. Марксий Осиёда этносоциал муносабатлар: назарияси, муаммолари, ечимлари: Филсофа фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2003. – 283 б.; Юнусова Х.Э. Социально-экономические процессы и духовная жизнь в Узбекистане в 80-х годах XX века: Автореф. ... дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 2009. – 50 с.

<sup>5</sup> Ризаев С.Р. Шараф Рашидов: штрихи к портрету. – Ташкент: Шарк, 1992. – 205 с.; Мамашукуров Ж. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий асослари. – Тошкент: 1999. – 22 б.; Абдуллаева Р.Х. XX век и развал великой державы – СССР. – М.: Вернисаж, 2002. – 168 с.; Азизхўжаев А. Чин ўзбек инши. – Тошкент: O'zbekiston, 2011. – 512 б.

<sup>6</sup> Бобобеков Х. Хўқанди латиф тупроғидagi фожалар //Фан ва турмуш. – Тошкент, 1989. №7. – Б. 16-19; Бобобеков Х. Фарғона фожалари кундалиги //Фан ва турмуш. – Тошкент, 1990. №5. – Б. 16-18; Абдуллаев Ш.М.

даврининг “турғунлик” ва “кайта қуриш” йилларида Ўзбекистонда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг умумий жиҳатлари мустақиллик йилларида нашр этилган бир қатор фундаментал тадқиқотларда, дарслик ва ўқув кўлланмаларда ҳам ёритиб ўтилди<sup>7</sup>. Хусусан, 2019 йилда нашр этилган икки китобдан иборат “Ўзбекистон тарихи 1917-1991 йиллар” номли фундаментал асарнинг иккинчи китобида Ўзбекистонда 1970-1980 йилларда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва уларнинг зиддиятли жиҳатлари янги манбалар асосида, тамоман янгича қараш ва ёндашувларда талқин этилган<sup>8</sup>.

Юқорида кўриб ўтилган илмий тадқиқотларда ўрганилаётган даврдаги сиёсий жараёнлар алоҳида муаммо сифатида тадқиқ этилмаган. Шунингдек, “пахта иши”, “Ўзбек иши”, “Фарғона воқеалари”, “Ўш воқеалари” қатор олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, уларда бу воқеликларга хорижий давлатлар тарихчи олимларининг талқинлари киритилмаган.

1970-80 йиллардаги “турғунлик” ва “кайта қуриш” даврига доир тадқиқотлар асосан россиялик тадқиқотчилар Ф. Бурлацкий, Г.А. Арбатов, Г.А. Бордюгов, В.А. Козлов, В.В. Журавлева, Ф.М. Бородкин, Л.Я. Косале, Р.В. Рывкина, М. Малиа, М.С. Восленский, А.С. Ахиезер томонидан амалга оширилди<sup>9</sup>. Лекин уларнинг илмий тадқиқотларида Ўзбекистоннинг 70-80 йиллар ижтимоий жараёнларига доир материаллар жуда кам учрайди.

Совет давлатининг XX аср 70-80 йиллари тарихи хориж тадқиқотчилари томонидан ҳам таҳлил доирасига тортилган. Совет Иттифоқидаги “турғунлик” ва “кайта қуриш” даври италиялик олим Ж. Боффа<sup>10</sup>, АҚШлик олимлар Р. Киран ва Т. Кенни<sup>11</sup>, томонидан чуқур ва атрофлича таҳлил этилган. Бу асарлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилса-да, уларда алоҳида республикалардаги, хусусан Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар масаласига махсус эътибор қаратилмаган. М.Куккиолла тадқиқотида<sup>12</sup> Ўзбекистонда

Ферганские события и «этнический парадокс» современности //Звезда Востока. – Ташкент, 1991. №4. – С. 152-157.

<sup>7</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустақиллиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 688 б.; Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртининг номутахассис факультетлари учун дарслик) Р.Х. Муртазаева таҳрири остида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 675 б.; Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккинчи китоб. 1939-1991 йиллар. – Тошкент: “O‘zbekiston”, НМИУ, 2019. – 576 б.

<sup>8</sup> Қаранг: Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккинчи китоб. 1939-1991 йиллар /Масъуд муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: “O‘zbekiston”, НМИУ, 2019. – 576 б.

<sup>9</sup> Бурлацкий Ф.М. Новое мышление: Диалоги и суждения о технологической революции и наших реформах. – 2-е изд. доп.– М.: Политиздат, 1989. – 431 с.; Арбатов Г.А. Затянувшееся выздоровление (1953-1985 гг.) Свидетельство современника. – М.: Международные отношения, 1991. – 400 с.; Бордюгов Г.А. Козлов В.А. История и конъюнктура: субъективные заметки об истории советского общества. – М.: Политиздат, 1992. – 352 с.; На пороге кризиса: нарастающие застойные явления в партии и обществе. Под ред. В.В. Журавлева. – М.: Политиздат, 1990. – 447 с.; Постовенниа: Социология. Социальная политика. Экономическая реформа /Ред. – сост. Ф.М. Бородкин, Л.Я. Косале, Р.В. Рывкина. – М.: Прогресс, 1989. – 582 с.; Малиа М. Советская тригедия. История социализма в России. 1917-1991. – М.: РОССПЭН, 2002. – 352 с.; Восленский М. С. Номенклатура. Господствующий класс Советского Союза. – М.: 1991. – 237 с.; Ахиезер А.С. Россия: критика исторического опыта. В 2 томах. – Новосибирск: Сибирский хронограф, 1997. – 1608 с.

<sup>10</sup> Боффа Дж. История Советского Союза. Перевод с итал. В 2-х томах. Том 1. – М.: Международные отношения, 1994. – 632 с.; Он же. От СССР к России. История неоконченного кризиса. 1964-1994. Пер. с итал. – М.: 1996. – 442 с.

<sup>11</sup> Киран Р., Кенни Т. Продавшие социализм: Теневая экономика СССР. – М.: Алгоритм, 2010. – 306 с.

<sup>12</sup> Cucciolla R.M. The Crisis of Soviet Power in Central Asia: The “Uzbek Cotton Affair” (1975-1991): Dissertation work for the degree of PhD in Political History. – Lucca: 2017. – 671 p.



1980 йиллардаги сиёсий жараёнлар махсус таҳлил этилган бўлса, тадқиқотчи Илдиз Килавуз диссертациясида<sup>13</sup> Ўзбекистондаги илк сиёсий уюшмалар фаолияти тадқиқ этилган.

Умуман, юқорида келтирилган совет, мустақиллик ва хорижий тадқиқотчилар томонидан яратилган илмий адабиётлар таҳлили кўрсатмоқдаки, уларда XX асрнинг 70-80 йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар тўла ва батафсил ҳолатда ўрганилмаган. Шу боис, ушбу мавзу тадқиқот объекти сифатида танланди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТМ-34.4-08. - “Россия империяси ва совет мустамлакачилиги йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт (1867-1990 йиллар)” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда XX аср 70-91 йиллардаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг моҳияти ва хусусиятини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

мавзунинг тадқиқ этишнинг методологик асосларини кўрсатиш, ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихини ўрганишнинг назарий-услубий жиҳатларини очиқ бериш;

XX асрнинг 70-80 йилларида совет жамиятидаги ижтимоий-сиёсий зиддиятларнинг сабаблари ва уларнинг оқибатларини кўрсатиб бериш;

собиқ Иттифок “турғунлик” ва “қайта қуриш” даври тарихини тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

турғунлик давридаги сиёсий жараёнлар таҳлили ва маъмурий-бўйрукбозлик бошқарувининг хусусиятларини тавсифлаш;

“пахта иши” уйдирмасининг юзага келиши ва унинг қатағон сиёсати кўринишларидан бири эканини очиқ бериш;

республикада турғунлик давридаги ижтимоий ривожланиш, унинг натижа ва оқибатларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда миллатлараро зиддиятларнинг юзага келиши, Фарғона ва Ўш воқеалари асл моҳиятини янги материаллар ва қарашлар асосида таҳлил этиш;

1980 йиллар охирида республикада кўппартиявийликнинг қарор топиши ва унинг зиддиятли жиҳатларини таҳлил этиш;

ўрганилган муаммо бўйича ишлаб чиқилган назарий ҳулосалар асосида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1970-1991 йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихи белгиланган.

<sup>13</sup> Idil Tuncer Kilavuz. Understanding violent conflict: a comparative study of Tajikistan and Uzbekistan. Submitted to the faculty of the University Graduate School in partial fulfillment of the requirements for the degree. Doctor of Philosophy in the Department of Central Eurasian Studies, Indiana University. August 2007. – 222 p.

**Тадкикотнинг предметини** Ўзбекистоннинг XX аср 70-80 йилларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ҳукумат ва бошқа сиёсий-ижтимоий институтларнинг фаолияти, жамиятда “турғунлик”нинг қарор топиш эволюцияси, “қайта қуриш” сиёсати ва унинг ижтимоий-сиёсий натижалари ташкил қилади.

**Тадкикотнинг усуллари.** Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихини ёритишда илмий тадқиқотлар олиб боришнинг илмийлик, тизимлилик, тарихийлик, объективлик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадкикотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

XX аср 70-80 йилларида собиқ компартиянинг Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни ривожлантиришга қаратилган сиёсати жамиятда коррупция, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари, ижтимоий муаммоларнинг янада чуқурлашувига замин яратганлиги, мустабид тузум мафкураси ўз моҳиятига кўра маҳаллий аҳоли турмуш даражасини оширишдан манфаатдор эмаслиги исботланган;

Ўзбекистон иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳам собиқ Иттифокда охириги ўринлардан бирини эгаллаб, пахта яккаҳоқимлиги республика иқтисодиётини, буткул издан чиқариб, ишлаб чиқарилаётган пахта маҳсулоти адолатсиз нарх сиёсати туфайли ижтимоий-иқтисодий аҳвол йилдан-йилга оғирлашиб борганлиги, шунингдек, томорка ерларининг камайиши кишлокда ишсизлар сонининг кўпайишига олиб келиб, пировардида ижтимоий-сиёсий инкироз учун замин етилиб келаётганлигини аңлатганлиги асосланган;

Ўзбекистонда XX асрнинг 80 йиллар ўрталарида собиқ иттифок раҳбариятининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган “қайта қуриш” сиёсати оқибатида республика ҳаётида танглик ҳолати чуқурлашиб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлаб чиқариш самарадорлиги, айниқса, аҳолининг турмуш даражаси муттасил равишда пасайиб борганлиги далилланган;

Марказ томонидан махсус уюштирилган “пахта иши”, “Ўзбеклар иши” Ўзбекистон жамиятида қонунбузарликлар, ўзбек халқининг шаъни ва иззат нафсининг кўпол равишда топталиши, республикада миллатлараро зиддиятларни янада кескинлашиши, охир-оқибат ҳукмрон мафкура ва мустабид тузум инкирозига олиб келганлиги исботланган.

**Тадкикотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари ва илмий хулосалари асосида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқув дастурига киритилган “Ўзбекистон тарихи” фани ўқув материалларини тўлдириш ва мазмунан бойитишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган монографиядан Республика “Маънавият ва маърифат” маркази ва унинг вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўлимларида ёт гоё ва мафкураларга қарши кураш мақсадида ўтказилган тадбирларда янги материаллар сифатида фойдаланилган;

диссертация материаллари асосида яратилган “�збекистон “турғунлик” ва “кайта куриш” даврида (1970-1990 йиллар)” ўқув қўлланмаси олий ўқув юртларининг 1-босқич талабаларига “Ўзбекистон тарихи” фанидан қўшимча материал сифатида тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ишда тадқиқотлар олиб боришнинг замонавий методлари асосида янгича ёндашувларнинг қўлланилганлиги, янги хорижий адабиётлар, эсадиқлардан унумли фойдаланилганлиги, таҳлиллар ва хулосаларни шакллантиришда оғзаки тарих, архив маълумотлари каби бирламчи манбаларга таянилганлиги, тадқиқотда олинган натижаларнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан эътироф этилгани ва амалиётда қўллашга доир далолатномалар берилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти собиқ совет давлатининг сўнгги йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар объективлик тамойили бўйича тузилмавий-тизимли таҳлил асосида ёритилгани, улардан мазкур масалага оид услубий ёндашув ва назарий хулосаларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, унинг натижаларидан Республика олий ўқув юртларининг “Тарих” таълим йўналишларида махсус курслар бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмалар, дарслик ва монографиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

1970-1991 йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга доир ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Ўзбек халқининг тоталитар коммунистик гоё, “турғунлик” сиёсати ва яккахоким партия томонидан асоратга солиниши, халқнинг миллий мустақиллик учун кураши каби янги таҳлиллар ва хулосалардан қуйи партия ташкилотларининг маънавий-маърифий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2019 йил 9 апрелдаги 01-193-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари миллий гоёни тарғиб қилиш ва шу асосда ёшлар дунёқарашини шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилган;

Ўзбекистонда XX асрнинг 70-80 йилларида кескин тус олган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиши, иқтисодий ҳаётда муаммоларнинг юзага келиши, аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашувига доир олинган илмий натижалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган тарғибот дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 26 июндаги 01/021-839-19-сон маълумотномаси). Материаллар аҳоли маънавиятини юксалтириш, айниқса, ёшларда тарихий онг ва дунёқарашини шакллантириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари мазмунини оширишга имкон берган;



тадқиқотнинг XX аср 70-80 йилларида Ўзбекистондаги миллатлараро зиддиятларнинг юзага келиши, Фарғона ва Ўш воқеалари асл моҳиятини янги материаллар ва қарашлар асосида таҳлил этиш орқали ўрганилган муаммо бўйича ишлаб чиқилган назарий хулосалардан Қўмита қошидаги миллий – маданий марказларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирокини янада кучайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2019 йил 31 октябрдаги 01-09-1916-сон маълумотномаси). Қўлланилган илмий натижалар миллий-маданий марказлар фаолияти билан боғлиқ турли миллат вакилларининг маданият фан ва таълимни ривожлантириш борасидаги ҳамкорлигини ёритишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижасида олинган хулоса ва таклифлар 8 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 3 та халқаро конференция: “Материалы Международной научно-практической интернет-конференции” (Украина, Переяслав-Хмельницкий, 2018); “Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов – Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиёти асосчиси” Халқаро илмий-амалий анжумани материаллари (Ўзбекистон, Андижон, 2018); “Материалы Международной научно-практической интернет-конференции” (Украина, Переяслав-Хмельницкий, 2019) ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, (5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот ишининг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “1970-1991 йилларда совет давлати ижтимоий-сиёсий жараёнларининг назарий жиҳатлари, мавзунинг манбавий асослари ва тарихшунослиги” деб номланган биринчи бобида “турғунлик даври” ва “кайта қуриш” даврида совет давлати ижтимоий-сиёсий жараёнларининг назарий жиҳатлари таҳлил этилган, мавзунинг ёритишга асос бўлган манбалар таҳлил этилиб, муаммо тарихшунослиги ўрганилган.

Совет Иттифоқининг 1970-1985 йиллар тарихи “кайта қуриш” сиёсатчилари томонидан “турғунлик” даври деб аталди. Бу даврдаги турғунлик ҳолати тарихчилар ўртасида ўзаро баҳс-мунозараларга сабаб бўлса-да, Ўзбекистон тарихи фани нуқтаи назаридан баҳолаганда, мазкур турғунлик мавжудлигини эътироф этган ёки унга қарши нуқтаи назарда турган тарихчи олимлар фикрига тўла қўшилиб бўлмайди. Чунки, бу даврда иқтисодий ривожланиш соҳасида турғунлик аломатлари яширин, кўзга кўринмас ҳолда намоён бўлган бўлсада, ижтимоий-сиёсий соҳадаги турғунлик ҳолати яққол аён эди. Иқтисодиётдан фарқли ўлароқ ижтимоий-сиёсий жараёнлар халқнинг кўз ўнгисида рўй беради. Лекин, аслида, ижтимоий-сиёсий турғунликнинг асосий кўринишлари иқтисодий турғунлик сабабли келиб чиққан эди.

Бу даврда Иттифоқда яширин ишсизлик 30 фоизга ўсди. Одамларнинг ўртача умр кўриши 1969 йилда ўзининг энг юқори кўрсаткичига етиб, ундан кейинги йилларда бу кўрсаткич пасайиб борди. Ўзбекистонда ўнлаб миллион одамлар оқола сувлар қувурларига эга бўлмаган, уйини оддий печда иситадиган аҳволда яшашда давом этди. Қишлоқ аҳолиси телефондан умуман фойдаланмас эди. 70 йиллар бошига келиб 1700 хил синалган истеъмол товарларидан фақат бир неча ўнлаб товарларни дўконларда топиш мумкин эди. 2,2 рублга сотиладиган гўштни фақат Москва шаҳрида, Тошкент шаҳрининг марказий қисмида учратиш мумкин бўлиб қолди. Дўконларнинг гўшт сотиш дарчалари ёппасига йўқ қилинди. Бозорларда гўштнинг нархи 6-7 рублга кўтарилди<sup>14</sup>.

1970-1991 йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихи мавзусига доир манбалар хилма-хил ва кенг қўламли бўлиб, уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1. Архив ҳужжатлари ва материаллари; 2. Нашр этилган статистик тўпламлар; 3. Даврий матбуот нашрлари; 4. Хотира ва эсдаликлар.

1970 – 1991 йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва уларнинг асосий воқеаларига доир бирламчи манбалар сифатида архив ҳужжатлари ва материаллари ўрин эгаллайди. Мазкур мавзунинг ёритишда Ўзбекистон Миллий архиви (ЎЗМА) ва вилоят давлат архивлари, Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси архиви (ЎЗР ПАА) ва унинг вилоятлардаги бўлимлари фондларида сақланаётган ҳужжат ва материаллар асосий манбалар саналади. Бу бобда ЎЗМАнинг Р.837-фонди (ЎЗСР Министрлар Совети), Р.737-фонди (ЎЗСР Қасаба уюшмалари марказий

<sup>14</sup> Қарағ: Лопатинов С.Л. Застой в цифрах и фактах. // <http://jlm-taurus.livejournal.com/39366.html>.



кенгаши) ҳужжатлари таҳлил этилди<sup>15</sup>. Р.1714-фонд ЎзССР Олий судига тааллуқли бўлиб, унда “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” ва “Фарғона фожиялари” бўйича муҳим материаллар жамланган. Ушбу материалларда “Пахта иши” бўйича 1981 – 1983 йилларда 338 та жиноий иш кўрилиб, бу ишлар юзасидан 2272 кишига нисбатан олиб борилган тергов ва суд жараёнлари, уларга белгиланган жазо чоралари акс этган<sup>16</sup>.

Совет давлатининг сўнгги даври бўлган “турғунлик” ва “кайта қуриш” давлари ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда Ўзбекистон Миллий архивининг Р.86-фонд (ЎзССР Марказий Ижроия комитети), Р.90-фонд (ЎзССР Кишлоқ хўжалик министрлиги), 2182-фонд (ЎзССР Коммунал хўжалиги министрлиги), Р.2483-фонд (ЎзССР Сув хўжалиги министрлиги), Р.2487-фонд (ЎзССР Маданият министрлиги), 2806-фонд (Рўзномалар таҳририятига фуқаролардан тушган мактублар тўплами) ҳужжатлари<sup>17</sup> ва вилоят давлат архивлари материаллари<sup>18</sup> муҳим манбалар ҳисобланади. Архив материаллари ичида меъёрий-ҳуқуқий манбалар бўлмиш компартия қарорлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архивининг 58-фонди (ЎзКП(б) Марказий Комитети) ҳужжатлари ва бу архивнинг вилоят бўлимлари тегишли фондларида сақланаётган 1970-80 йилларга тегишли ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эгадир<sup>19</sup>.

Тадқиқот ишининг манбалар базасида 1970-1990 йилларда нашр этилган статистик тўпламлар<sup>20</sup> ҳам муҳим ўрин тутди. Ушбу статистик тўпламлар собиқ Иттифок даврига доир кенг қўламдаги тарихий манбалар, ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид турли статистик кўрсаткичлар жамланган ва бир тизимга солинган. Улар Ўзбекистондаги ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги йиллик ўсиш ёки пасайиш кўрсаткичлари динамикасини бошқа иттифокдош республикалардаги кўрсаткичлар ва Иттифокдаги ўртача кўрсаткичлар билан ўзаро таққослаш имконини беради.

Манбаларнинг махсус тури бўлган даврий матбуот нашрларидан ҳам тадқиқот ишида муайян даражада фойдаланилди.

Диссертацияни тайёрлашда совет мустабид тузуми даврида Ўзбекистон компартияси ва ҳукумати идораларида масъул лавозимларда ишлаган давлат ва жамоат арбобларининг хотира ва эсдаликларидан ҳам фойдаланилди. Биз кўриб ўтаётган давр – “турғунлик” ва “кайта қуриш” даври Ўзбекистондаги

<sup>15</sup> Ўзбекистон Миллий архиви (бундан кейин - ЎзМА), Р.837-фонд, 38-рўйхат, 41-рўйхат материаллари; ЎзМА, Р.737-фонд, 5-рўйхат материаллари; ЎзМА, Р.1714-фонд, 9-рўйхат йиғма жилдлари.

<sup>16</sup> ЎзМА, Р.1714-фонд, 9-рўйхат, 452-иш, 1-5 ыараклар.

<sup>17</sup> ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат; ЎзМА, Р.90-фонд, 10-рўйхат; ЎзМА, 2182-фонд, 5-рўйхат; ЎзМА, Р.2483-фонд, 1-рўйхат; ЎзМА, 2487-фонд, 3-рўйхат; ЎзМА, Р.2806-фонд, 1-рўйхат йиғма жилдлари.

<sup>18</sup> Андикон вилоят давлат архиви (бундан кейин - АВДА), 94-фонд, 1-рўйхат йиғма жилдлари; Фарғона вилоят давлат архиви (бундан кейин - ФВДА), 3-фонд, 3-рўйхат; ФВДА, 8-фонд, 12-рўйхат; ФВДА, 408-фонд, 5-рўйхат; ФВДА, 1124-фонд, 15-рўйхат йиғма жилдлари; ФВДА Марғилон шаҳар бўлими, 408-фонд, 5-рўйхат йиғма жилдлари.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви (бундан кейин - ЎзР ПАА), 58-фонд, 278-рўйхат, 640-йиғма жилд; ЎзР ПАА, 58-фонд, 301-рўйхат, 46-йиғма жилд; ЎзР ПАА, 344-рўйхат, 11-йиғма жилд; ЎзР ПАА Фарғона вилоят бўлими, 1-фонд, 288-рўйхат, 302-йиғма жилд; ЎзР ПАА Андикон вилоят бўлими, 3-фонд, 20-рўйхат, 32-йиғма жилд материаллари.

<sup>20</sup> Бу тўпламларнинг тўла рўйхати диссертациянинг фойдаланилган манбалар ва адабиётлар қисмида келтирилган.

ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритишда Н. Мухитдинов ва И. Усмонхўжаевларнинг хотиралари<sup>21</sup> муҳим ўрин тутди.

Мавзу тарихшунослиги хақида сўз юритганда айтиш мумкинки, XX асрнинг 70-80 йилларидаги “тургунлик”, “кайта қуриш” даврларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар Ўзбекистон олимлари томонидан ҳар томонлама тадқиқ этилган. Тарихчи олим Х. Зоҳидовнинг илмий изланишларида ривожланган социализм шароитидаги маънавий маданият ва ижтимоий фаолликнинг ривожланиш диалектикаси масалалари тарих фани нуктаи назаридан тадқиқ этилди<sup>22</sup>. Э.С. Тўхтаевнинг Ўзбекистон ССР кишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари мавзусидаги тадқиқотларида ҳам ўша даврдаги ўткир ижтимоий муаммолар тадқиқ этилиб, илмий натижалар сифатида уларнинг ечимларига доир хулосалар шакллантирилди<sup>23</sup>.

Совет даврида сиёсий жараёнлар, коммунистик партия ва давлат фаолиятларига доир тадқиқотлар ҳам олиб борилди. Ш. Зиямовнинг диссертациясида КПССнинг кадрлар тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш сиёсати республика партия ташкилоти мисолида тадқиқ этилди<sup>24</sup>. Р.Х. Абдуллаева, Л.В. Гентшке ва Х.Т. Турсуновлар социализм шароитида КПСС ва унинг қўйи ташкилотларининг жамиятдаги раҳбарлик фаолиятига доир тадқиқотлар олиб борди. Уларда партия ташкилотларининг миллий ва минтақавий ҳудудлардаги тажрибаси умумлаштирилди ва бу соҳани ривожлантиришга доир хулосалар шакллантирилди<sup>25</sup>. Э. Юсупов ва Ц. Степанян тадқиқотларида эса асосий эътибор партия ва давлатнинг миллий сиёсатини амалга ошириш масалаларига қаратилди<sup>26</sup>.

Мустақиллик арафасида миллий манфаатлар нуктаи назаридан ёндашилган, компартия мафқурасига мос бўлмаган тадқиқотлар ҳам юзага келди. Бу ҳол Фарғона вилояти ва Қирғизистоннинг Ўш вилоятида рўй берган низолар даврида янада кучайди. Хусусан, Ш. Зиямов, Ҳ. Бобобеков ва Ш. Абдуллаев каби тарихчилар рўй берган миллатлараро тўқнашувларни ҳолис ва объектив равишда тадқиқ этдилар<sup>27</sup>.

<sup>21</sup> Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 366 б.; Усмонхўжаев И. Такдир ўйинлари ёхуд кўрган-кечирганларим (Хотиралар). – Тошкент: “IOD-PRESS”, 2019. – 160 б.

<sup>22</sup> Зоҳидов Х. Диалектика развития духовной культуры и социальной активности масс в условиях развитого социализма. Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. – Тошкент, 1983. – 30 с.

<sup>23</sup> Тўхтаев Э.С. Социально-экономические проблемы повышения уровня жизни сельского населения Узбекской ССР. – Тошкент: Фан, 1990. – 139 с.

<sup>24</sup> Зиямов Ш. Кадровая политика КПСС в действии. – Т.: Узбекистан, 1980. – 208 с.; Ўша муаллиф. Деятельность КПСС по совершенствованию подбора, расстановки и воспитания руководящих кадров в условиях развитого социализма (на примере Компартии Узбекистана). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Тошкент, 1982. – 50 с.

<sup>25</sup> Абдуллаева Р.Х. Руководство КПСС в период зрелого социализма (на материалах парторганизаций Узбекской ССР). – Т.: Узбекистан, 1982. – 295 с.; Гентшке Л.В., Турсунов Х.Т. и др. Развитие коммунистических организаций в условиях перехода к социализму, минуя капитализм. – Тошкент: Узбекистан, 1985. – 245 с.

<sup>26</sup> Юсупов Э., Степанян Ц. и др. Развитие конституционных основ советского многонационального государства. – Тошкент: Узбекистан, 1985. – 248 с.

<sup>27</sup> Зиямов Ш. О межэтническом конфликте 1989 г. в Узбекистане // Центральная Азия и Кавказ. – 2000. – № 6. – С. 153-158; Бобобеков Ҳ. Фарғона фожалари кундалиги // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1990. – № 5. – Б. 16-18; Ўш муаллиф. Ҳуқанди литиф тупроғидagi фожалар // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1989. – № 7. – Б. 16-19; Абдуллаев Ш.М. Ферганские события и «этнический парадокс» современности // Звезда Востока. – Тошкент, 1991. – № 4. – С. 152-157.

Мустақиллик даври тадқиқотлари ижтимоий жараёнларни миллий гоё ва миллий манфаатлар нуктаи назаридан ҳолисона ўрганилганлиги билан ажралиб туради. А. Хазраткулов, Д. Бобожонова, М.Р. Бўриева, О. Ата-Мирзаев, В. Гентшке, Р. Муртазаева, А. Салиев, А.Х. Пўлатов, В. Ражапов<sup>28</sup> каби олимлар Ўзбекистонда Иттифок ва мустақиллик даврларидаги ижтимоий жараёнлар, бу соҳадаги муаммолар, уларнинг ечимларига доир масалаларни тадқиқ этдилар. Бу асарлар кўриб ўтилаётган давр ўзбек тарихшунослигини илмий жиҳатдан анча бойитди.

Умуман олганда, ўтган асрнинг сўнгги чораги ва мустақиллик даврида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни тарих фани нуктаи назаридан тадқиқ этишнинг миллий тажрибаси тўпланди ва у тарихий тадқиқотлар олиб бориш методологияси шаклланишига қўшилган улкан ҳисса бўлди.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбекистон турғунлик даврида: совет тузумининг тоталитар сиёсати ва ижтимоий ривожланишдаги зиддиятлар” деб номланиб, унда ЎзССРдаги сиёсий аҳвол бутун Иттифокда қандай бўлса шундай бўлганлиги, бироқ Ўзбекистонда бу жараён мамлакатнинг шимолий ва ғарбий қисмидаги ҳолатга қараганда янада оғирроқ кечганлиги аниқ мисоллар билан асосланган.

1970-1980 йилларда Ўзбекистон Коммунистик партияси (ЎзКП) аъзолари тез сони ўсди. 1970 йилда унинг 412321 аъзоси бўлган бўлса, 1984 йилга келиб партия бошланғич ташкилотлари сони 20,3 мингтага, коммунистлар сони эса 625 мингтага етди<sup>29</sup>. Барча партия ишлари асосан партия аппарати томонидан бажарилиши одатга айланди. Натижада, бошқарув жараёнларидаги бюрократия ниҳоятда кучайди. Бу даврда партиянинг биринчи раҳбари шахсини улуғлаш авж олди, партиянинг сайланадиган органлари роли пасайди, ҳақиқий аҳволни ўзида акс эттирмайдиган, асосиз ва субъектив қарорлар қабул қилиш микёси кенгайди. Инсоний виждонлилик ҳисларини йўқотиш натижасида олғирлик, ўғрилиқ, фитнабозлик, ўз мансабини суистеъмол қилиш ҳолатлари авж олди<sup>30</sup>.

Бу йилларда ижтимоий ҳаётнинг мафқуралашиб, мафқуравий қурашларнинг кескинлашиб бориш тезиси эълон қилинди, кўчалар ва ташкилотларда кўрғазмали мафқуравий ташвиқотлар авж олди. Мисол тариқасида биргина Фарғона вилоятини олсак, 1975 йилда вилоятда 17 минг

<sup>28</sup> Хазраткулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения. Специфика. Опыт. Перспективы. (1971–1990): Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. – Ташкент, 1993. – 56 с.; Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70–80 йиллар мисолида). – Тошкент: Шарқ, 1999. – 160 б.; Бабаджанова Д. Социально-экономические аспекты межрегиональных отношений в Узбекистане (70-е – середина 80-х гг.): Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. – Ташкент, 1997. – 56 с.; Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оғли демографияси. – Тошкент: Университет, 1997. – 171 б.; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Ташкент: Университет, 2002. – 125 с.; Пўлатов А.Х. Марксий Осиёда этносцикл муносабатлари: назарияси, муаммолари, ечимлари.: Фалсафа фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2003. – 283 б.; Ражапов В. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда миллий соҳасидаги ўзгаришлар ва муаммолар: Тарих фанлари ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 26 б.

<sup>29</sup> Юсупов Э. Компартия Узбекистана – славный боевой отряд КПСС // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 1984. №3 - С. 5.

<sup>30</sup> Қўраш: На пороге кризиса: нарастание застойных явлений в партии и обществе /Ин-т марксизма-ленинизма при ЦК КПСС; Под общ. ред. В.В. Журавлева. - М.: Политиздат, 1990. - С.100.



ташвикотчи, 580 ташвикот пунктлари, 102 та мафкуравий ташвикот гуруҳлари фаолият олиб бориб, партия сиёсатини халқ онгига сингдириб боришган<sup>31</sup>.

Бу даврда “коммунизм мактаби” деб атала бошланган касаба уюшмаларининг роли ҳам кескин равишда оширилди. Масалан, 1977 йил 1 январь ҳолатида Ўзбекистон ССР касаба уюшмаси 12 вилоят уюшмаси, 115 вилоят ва 802 та шаҳар ва туман тармоқ комитетларидан таркиб топган бўлса<sup>32</sup>, 1987 йилга келиб 13 вилоят кенгашлари, 18 республика тармоқ комитетлари, 133 вилоят, 1 йўл ва 1 худудий комитетлар фаолият кўрсатган<sup>33</sup>.

Ёшлар орасида коммунизм гояларини янада чуқурок сингдириш мақсадида коммунистик партия “Ўзбекистон комсомоли” номли ташвикот поездларини ташкил қилган. Ушбу “ташвикот поезда” 1986-1987 йилларда 3500 мингта тарғибот ва ташвикот ишларни амалга ошириб, бунда 1.5 млн.дан ортиқ ёшлар иштирок этган<sup>34</sup>.

Пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун республикада кенг кўламда ўзлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 1956 йил 6 августда КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг кўрик ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди<sup>35</sup>. Марказ қарорини амалий ҳаётга жорий қилиш натижасида Ўзбекистон худудидаги Мирзачўл ерларини ўзлаштириш 1956-1975 йилларда 300 минг га дан ортди<sup>36</sup>.

Иттифокнинг бир гуруҳ таниқли олимлари 1976 йилда Л.И. Брежневга йўллаган хатида Ўрта Осиёда янги ўзлаштирилаётган ерларни суғоришда сув тақчиллигининг олдини олиш учун Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга буриш таклифини билдирганлар. Хатда келтирилишича, агар минтақадаги сув ресурсларидан фойдаланиш шу даражада давом эттирилса, 1980 йилда Сирдарёнинг, 1985 йилга бориб эса Амударёнинг сувлари тўла суғориш учун олиниши ҳақида оғохлантирилган<sup>37</sup>. Лекин, бу ўринли таклиф ҳам Иттифок раҳбарлари томонидан эътиборга олинмаган.

Турғунлик даврида КПССнинг Ўзбекистонда пахтачиликни кескин ривожлантиришга қаратилган сиёсати нафақат коррупция, бошқарувнинг маъмурий-буйрукбозлик усулларини, ижтимоий муаммоларни яна чуқурлаштиришга замин яратди, балки Ўзбекистонда экологик фожиаларни ҳам келиб чиқишига сабаб бўлди. Ўтган асрнинг 80 йиллари охирига келганда, пахта яккахокимлиги республика иқтисодиётини, шунингдек, қишлоқ аҳолиси саломатлигини буткул издан чиқариб юборган эди. Республикада ишлаб чиқарилаётган пахта маҳсулоти адолатсиз нарх сиёсати туфайли арзон баҳода олиб чиқиб кетилиши натижасида ижтимоий-

<sup>31</sup> ЎзРПАА Фарғона вилоят бўлими, 1-фонд, 288-рўйхат, 317-иш, 2-варак.

<sup>32</sup> ЎзМА, 737-фонд, 5-рўйхат, 1263-иш, 48-варак.

<sup>33</sup> ЎзМА, 737-фонд, 5-рўйхат, 2449-иш, 5-варак.

<sup>34</sup> ЎзМА, 2487-фонд, 3-рўйхат, 6590-иш, 22-варак.

<sup>35</sup> ЎзМА, 2483-фонд, 1-рўйхат, 205-иш, 134-варак.

<sup>36</sup> Эгамбердиев Р., Ратзаков А. Ўзбекистонда кўрик ерларни суғориш, ўзлаштириш ва мелiorациянинг тарихи (Мирзачўл мисолида). – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 223.

<sup>37</sup> ЎзРПАА, 58-фонд, 301-рўйхат, 46-иш, 120-122-вараклар.

иктисодий ахвол йилдан-йилга оғирлашиб борди. Бу даврда Ўзбекистонда йиллар ўтиши билан деҳқон оилаларининг томоркалари камайиб, унинг ҳажми 7-8 сотихга тушиб қолди. Томорка ерларининг камайиши қишлоқда ишсизлар сонининг кўпайиш омилларида бири бўлди<sup>38</sup>.

70- йилларнинг бошида давлат ва колхозлар маблағлари ҳисобига умумий майдони 5217 минг кв.метрга тенг бўлган 100 мингта кўп қаватли уй хонадонлари ва хусусий уйлар қурилди. Уларнинг барчаси аҳолига текинга берилди. 154,2 мингта кўп қаватли уйлар хонадонлари ва хусусий уйлар газлаштирилди. Улардан 89,9 мингтаси қишлоқлардаги уйларга тегишли бўлди. Ўнлаб умумий ўрта мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар ва бошқа ижтимоий-маиший объектлар қурилди<sup>39</sup>.

Аҳоли ижтимоий турмушини яхшилашда янги электр энергия манбалари - 300 минг киловатт қувватга эга бўлган Сирдарё ГРЭСнинг 1-турбинаси, 150 минг киловатт қувватга эга бўлган Чорвоқ ГЭСининг 4-турбинасининг фойдаланишга топширилиши муҳим аҳамият касб этди. Сирдарё, Андижон, Қорақалпоғистон АССР пахта заводлари, Тошкент пойафзал фабрикаси ишга туширилди<sup>40</sup>.

1985 йилда республика миллий даромадининг ўсиши 1970 йилга нисбатан 216 фоизни (Иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 202 фоиз) ташкил этиб, бу соҳада иттифоқдош республикалар ичида 5-ўринга кўтарилди. Ижтимоий меҳнатнинг унумдорлиги эса 1970 йилга нисбатан 1980 йилда 138 фоизга, 1985 йилда 143 фоизга (Иттифоқ бўйича ўртача 177 фоиз) ўсди<sup>41</sup>. Таҳлиллардан кўриш мумкинки, Ўзбекистон ССР кўпгина соҳаларда Иттифоқ ўртача кўрсаткичидан 3,5 мартадан кўпроқ орқада қолди<sup>42</sup>.

Ўзбекистонда 1966 йилда 4 млн. тонна, 1974 йилда 5 млн. тонна, 1978 йилда эса 5 млн. 500 минг тонна пахта ҳам ашёси етиштирилди. Албатта, бу ақл бовар қилмайдиган даражадаги сакраб ўсишга қўшиб ёзишсиз эришиб бўлмасди. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун пахта экин майдонлари қисқариши оқибатида Тошкент, Хоразм, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида пахта, беда ва бошқа экинларга ҳам қўшиб ёзишлар авж олди<sup>43</sup>. Бу ҳолатга Л.И. Брежнев даврида кўз юмиб қаралди. Партия тепасида Л.И.Брежнев турган даврда Ўзбекистондаги коррупция даражаси Иттифоқ республикаларидаги даражасидан баланд эмас эди. Лекин шунга қарамадан, 1982 йилда КПСС бош қотиби этиб сайланган Ю.В. Андропов коррупцияга қарши курашни Ўзбекистондан бошлашга қарор қилди.

1983 йил февралда КПСС МҚ Сиёсий бюроси қарори билан Ўзбекистондаги пахтачилик соҳасидаги суинстеъмолчиликларни текшириш

<sup>38</sup> Мустақиллик сари. [http://yaneuch.ru/cat\\_06/mustailik-sari/239571.2161737.page1.html](http://yaneuch.ru/cat_06/mustailik-sari/239571.2161737.page1.html)

<sup>39</sup> ЎзМА, 837-фонд, 41-рўйхат, 3949-нш, 30-31-варақлар.

<sup>40</sup> ЎзМА, 837-фонд, 41-рўйхат, 3979-нш, 51-варақ.

<sup>41</sup> Народное хозяйство СССР за 70 лет. Юбилейный статистический ежегодник. Госкомстат СССР. - М.: Финансы и статистика, 1987. - С. 87.

<sup>42</sup> Кўрсатилган манба. - С. 89.

<sup>43</sup> ЎзМА, 90-фонд, 10-рўйхат, 4933-нш, 233-варақ.



учун Бош прокуратура ходимлари Т. Гдиян ва Н. Иванов бошчилигида комиссия тузилди. Улар шу йил 25 апрелдан иш бошлади. Бу текширувлар “пахта иши” номини олди. Марказ тергов гуруҳи томонидан республикада 1978-1983 йилларда содир бўлган 780 та кўшиб ёзиш, ўзлаштириш ва порахўрликка доир 780 та иш терговдан тугал равишда ўтиб судларга юборилди, 4 минг киши, жумладан 600 та раҳбар ходимлар жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳукм этилганлар орасида Ўзбекистон пахта тозалаш саноатининг собиқ вазири, унинг 5 та ўринбосари, вазирлик бошқармалари бошликлари, вилоят бошқармаларининг бошликлари, ҳокимият тармоғининг юқори вакиллари – 2 та ЎзКП МҚ собиқ котиби, 400 та маҳаллий советлар депутатлари, 8 та СССР ва республика Олий Совети депутатлари, республика вазирлар кенгашининг собиқ раиси, 6 та ички ишлар вазирлиги генераллари бор эди<sup>44</sup>.

1985 йилда “пахта иши” бўйича 2272 киши устидан 338 та жиноий иш кўзгатилган, жиноий жавобгарликка тортилганларнинг 213 таси колхоз раислари ва совхоз директорлари, 49 таси пахта тозалаш заводи директорлари, 13 таси партия ва совет органлари ходимлари бўлган<sup>45</sup>.

“Пахта иши” бўйича пахтачиликка алоқаси бўлмаган соҳа вакиллари ҳам жиноий жавобгарликка тортилган. Ҳатто, мактаб ўқитувчиларини ҳам пахта иши бўйича жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари юз берган. 1982 йилда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 27-мактаб ўқитувчилари Тўраев, Султонов, Аҳмедов, Рахимов, Исмоилов, Қанонов, Пўлатовлар пахтага кўшиб ёзиш бўйича тўлов ведомостларига имзо қўйганликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган<sup>46</sup>.

1986 йил 1 январь ҳолатига “пахта иши” юзасидан очилган 110 та жиноий иш тугалланиб, бу бўйича айбдор деб топилган 679 киши устидан суд қарори эълон қилинган. 679 нафар судланганларнинг 363 таси КПСС аъзоси, 14 таси ВЛКСМ аъзоси, 37 таси эса илгари судланганлар бўлган. Ушбу кўрилган ишлар 40 та колхоз, 25 та совхоз, 45 та пахта тозалаш заводлари ва пахта қабул қилиш пунктларида содир этилган. Судланганларнинг 53 нафари Иттифок орденлари билан, 97 нафари медаллар билан тақдирланганлар ва 21 нафари маҳаллий Совет халқ депутатлари бўлган<sup>47</sup>.

Албатта, “пахта иши” – бу КПССнинг сўнгги бор ўзини сақлаб қолишга интилиши, тоталитар режимни соғломлаштиришга уриниши эди. Лекин вақт бой берилган, совет жамияти энди эскича яшашни хохламай қўйган эди. Диссидентлар, ғарб ташвиқоти, ахборот урушлари СССРни ичидан емириб бўлган эди. Бу даврда амалга оширилган партия сиёсати, ҳукуматнинг бу соҳадаги чора-тадбирлари ўз самарасини бермади.

<sup>44</sup> Суҳраев А. Листая памяти странницы. - Воронеж: Изд-во “Кварт”, 2010.// <http://zvezda-r.ru/vspomogatelnoe-2012/2675-blepok.html>.

<sup>45</sup> ЎзМА, Р.1714-фонд, 9-рўйхат, 452-иш, 1-варак.

<sup>46</sup> ЎзМА, Р.1714-фонд, 9-рўйхат, 452-иш, 87-варак.

<sup>47</sup> ЎзМА, Р.1714-фонд, 9-рўйхат, 452-иш, 37-38- вараклар.

Ўзбекистон ССР бу даврда ижтимоий жихатдан анча орқада колган минтақа сифатида колди.

Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбекистонда “кайта қуриш” сиёсати ва унинг инкирози” деб номланиб, унда КПСС бошчилигидаги марказлашган сиёсий тизимга қарши иттифоқдош республикаларнинг “суверенитетлар намоёйиши” бошлангани, миллатлараро қиргинлар авж олиши, бутун СССР бўйлаб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тартибсизликлар бошланиши каби воқеликлар таҳлил этилган.

Ўзбекистонда “кайта қуриш” даврида ҳам Марказ томонидан уюштирилган “пахта иши” ва “Ўзбек иши” каби коррупцияга қарши кураш баҳонасида катагонлик сиёсати давом этди. Бу даврда минглаб хўжалик раҳбарлари ва партия ходимлари уюштирилган айбловлар билан мансабларидан олинди, аксарияти устидан жиноий ишлар қўзғатилди. Мустақилликнинг биринчи йилида улардан 3000 дан ортигининг авф этилиши бу ишларнинг ноқонуний бўлганини кўрсатди<sup>48</sup>. “Пахта иши” кампанияси юзасидан ўтказилган терговларда 20 мингдан ортиқ кадрлар айбдор деб топилди<sup>49</sup>.

Т. Гдляннинг тергов гуруҳи СССР ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигининг 20 та мансабдорларини, 4 та Ўзбекистон Компартияси МҚ котибини, ЎзССР Министрлар Совети раисини, 8 та вилоят партия кўмиталари котибини, ЎзССР Олий Совети Президиуми раисини, Республика пахтачилик вазирини ва яна 62 та масъул раҳбар кадрларни порахўрликда айблаб жиноий иш қўзғатди. 1989 йилнинг май ойида айбланганлардан 35 тасининг иши судга оширилди. 1984 йилдан 1989 йилгача Т. Гдлян тергов гуруҳи томонидан 800 та “жиноий” ишлар кўриб чиқилди. Уларнинг ичида 600 та мансабдорлар, 10 та Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бор эди<sup>50</sup>. Айбланганлар ва оила аъзоларининг тергов гуруҳи томонидан қонунларни бузилишига доир аризалари кўпайиб борди. КПСС МҚ ва СССР бош прокуратурасига 1984 йилда 1212 та, 1985 йилда 1404 та, 1986 йилда 2114 та, 1987 йилда 2147 та, 1988 йилда 2180 та, 1989 йилнинг биринчи чорагида 420 та ариза ва шикоятлар юборилди<sup>51</sup>.

Совет ҳукумати халқнинг реал даромадларини ошириш, яшаш шароитларини яхшилаш, тиббий хизмат ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги имкониятларини ярата олмади. Холбуки бу даврда АҚШда бир йилда битта мактаб ўқувчисига 3386 доллар, Англияда 2285 доллар сарфлангани ҳолда СССРда 257 рубл сарфланган, боғча тарбияланувчисига АҚШда 3000 доллар, Японияда 11 000 доллар сарфлангани ҳолда СССРда 533 рубл маблағ ажратилган<sup>52</sup>. Бундаги СССР бўйича кўрсаткич иттифоқ бўйича ўртача

<sup>48</sup> Қаринг: Юнусова Х. Э. Социально-экономические процессы и духовная жизнь в Узбекистане в 80-х годах XX века. Автореферат диссертации доктора исторических наук. - Ташкент: Академия наук Республики Узбекистан - Институт истории, 2009. - С.18.

<sup>49</sup> Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. Отв. ред. С.Н. Абашин, В.И. Бушков. Ин-т Этнологии и антропологии им. Н.Н. Миклухо-Маклая. -М.: Наука, 2004. -С.212-214

<sup>50</sup> “Совет Ўзбекистони”, 1989 йил 27 декабрь.

<sup>51</sup> Юнусова Х. Э. Социально-экономические процессы и духовная жизнь в Узбекистане в 80-х годах XX века. Автореферат диссертации доктора исторических наук. Ташкент: Академия наук Республики Узбекистан — Институт истории, 2009.-С.37.

<sup>52</sup> ФВДА, 408-фонд, 5-руйхат, 243-иш, 13-варак.

кўрсаткичлар бўлиб, Ўзбекистондаги ахвол ўртача кўрсаткичдан ҳам паст эди.

Ўзбекистонда озиқ-овқат, кишлоқ хўжалиги техникаси ва хатто тўқимачилик маҳсулотлари импорт қилина бошлади. Натижада импорт экспортдан икки баробарга ошиб, сут, гўшт, тухум ва балиқ ва бошқа истеъмол маҳсулотлари аҳоли жон бошига иттифокдаги ўртача меъёرنинг ярмини ташкил қилди. Марказ томонидан аҳолини асосий истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондиrolмаганлиги оқибатида қора бозор Ўзбекистон умумий савдо айланмасининг 20 фоизини ташкил қилди. Ваҳоланки, қора бозорда маҳсулотлар анча баланд нархда сотилган, ушбу ҳол аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келган омиллардан бири эди<sup>53</sup>. Ўзбекистонда 1975 йилда киши бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмоли 31 кг, сут ва сут маҳсулотлари 165 кг, тухум истеъмоли 93 дона, балиқ истеъмоли 4,0 кг ни ташкил қилган бўлса, 1990 йилга келиб бу кўрсаткич мос равишда гўшт ва гўшт маҳсулотлари бўйича 32 кг, сут ва сут маҳсулотлари бўйича 210 кг, тухум 120 дона, балиқ 4,9 кг ни ташкил этди<sup>54</sup>.

Республикада 1986 йилда 150 минг ўқувчига мўлжалланган 269 та мактаб қурилди. Бу пайтда 3384.6 минг ўқувчига мўлжалланган 7740 та мактабларда 4097.0 мингта ўқувчи бўлиб, шулардан 1050.0 мингтаси иккинчи сменада таҳсил олган. Мактабларнинг умумий сонидан келиб чиқсак, шундан 3485 таси типовой, 4255 таси мослаштирилган ва 587 таси яроқсиз биноларда жойлашган эди<sup>55</sup>. Агар бу даврда аҳоли сонининг 15,4 млн.дан 19 млн.га ўсганини эътиборга олсак, мактаблар қурилиш суръатини жуда ҳам паст эканлигини кўрамиз. Андижон вилоятида 1989 йили 97 та мактаб яроқсиз ҳолга келиб қолган, бироқ 3678 ўқувчига мўлжалланган 7 та мактаб қурилган, ваҳоланки бу мактаблар эҳтиёжни тўла қондира олмаган<sup>56</sup>.

1989 йил 21 октябрда ЎзССР Олий Совети томонидан “Ўзбекистон ССР давлат тили тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун 30 моддадан иборат бўлиб, у ўзбек тилини давлат тили сифатидаги ҳукукий асосларини белгилаб берди<sup>57</sup>.

1989 йилнинг май-июнь ойларида Фарғона водийсида бўлиб ўтган миллатлараро можаролар сиёсий вазиятни янада кескинлаштирди. 1989 йил 24 май куни соат 10.00 ларда Қувасой шаҳрида маҳаллий ёшлар билан ёш месхети турклар ўртасида безорилик тўқнашуви келиб чиқади. Тўқнашувда месхети турклардан 150 киши ва маҳаллий халқ вакилларида 250-300 киши қатнашган<sup>58</sup>. Тўқнашувнинг биринчи кунда 29 ёшли Ислон Абдурахмонов ҳалок бўлади<sup>59</sup>. Бу тўқнашув тез орада Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент вилоятлари аҳолиси орасида ҳам тарқалиб, ёшларнинг оммавий чиқишларига,

<sup>53</sup> John Staples. Soviet Use of Corruption Purges as a Control Mechanism: The Uzbekistan Case//Past Imperfect, Vol. 2, 1993. - P. 31.

<sup>54</sup> ЎзР ПАА, 58-фонд, 344-рўйхат, 11-иш, 17-варақ.

<sup>55</sup> ЎзМА, 837-фонд, 41-рўйхат, 7005-иш, 30-варақ.

<sup>56</sup> ЎзР ПАА Андижон вилоят бўлими, 3-фонд, 20-рўйхат, 32-иш, 28-варақ.

<sup>57</sup> ЎзМА, Р.2454-фонд, 6-рўйхат, 6769-иш, 102-111-варақлар.

<sup>58</sup> ФВДА, 3-фонд, 3-рўйхат, 1097-иш, 14-варақ.

<sup>59</sup> ФВДА, 3-фонд, 3-рўйхат, 1097-иш, 22-варақ.



яна бошқа миллатлараро зиддиятларнинг рўй беришига олиб келди.

Бу каби чиқишларни бартараф этиш учун намоёнчиларга қарши ҳарбий қисмлар олиб келинди. 1989 йил 8 июнь куни Қўқон шаҳрида асосан ёшлардан иборат бўлган тинч намоёнчилар ҳарбий қисм аскарлари томонидан ўққа тутилиши оқибатида 50 дан ортиқ намоёнчи ўлдирилди, 200 дан ортиқроқ намоёнчи эса ярадор бўлди. Фарғона шаҳар ижроия қўмитети раиси А.Г. Лихолатнинг 1989 йил июль ойидаги маълумотига кўра, Қўқон шаҳридаги тўполонлар натижасида 112 та уй таланган, 82 та уй ва 7 та автомашина ёндирилган, 15 киши ўлдирилган. Безорилик ҳаракатлари учун 43 киши, комендантлик соати қоидаларини бузганлиги учун 450 киши қўлга олинган<sup>60</sup>. Фарғона воқеаларидан сўнг, оммавий тартибсизликларда қатнашган 249 киши ҳибсга олинган, улардан ўзбеклар – 231 кишини, руслар – 4 кишини, тожиклар – 9 кишини, турклар – 2 кишини, татарлар – 1 кишини ташкил қилган<sup>61</sup>.

Ўзбекистон Компартияси МҚ томонидан тузилган махсус комиссия ҳисоботида кўрсатилишича, июнь воқеаларида 103 та одам нобуд бўлиб, (бу кўрсаткич 112 тага етди) шундан 52 таси меҳсети турклари, 36 таси ўзбеклардан иборат бўлди. 1011 та одам шикастланди, 137 та ҳарбий ички қўшин аскарлари ва 110 та милиция ходимлари ярадор бўлди. 757 та яшаш уйлари, 27 давлат объектлари, 275 та транспорт воситалари таланди ва ёкиб юборилди. СССР бош прокуратурасининг маълумотларига кўра 1989 йил июль охирида 2000 дан ортиқ шахсга ҳуқуқбузарликка оид жиноий ишлар қўзғатилди, шулардан 600 таси Фарғона қирғинларида фаол иштирок этган шахслар эди. 1989 йил октябрь охирига келиб 225 та қирғин иштирокчилари қамолга олинди, улардан 41 тасига қасдан одам ўлдирганлиги учун айбномалар қўйилди<sup>62</sup>.

5 июндан Фарғона шаҳрида вазиятнинг кескинлашиши муносабати билан турк миллатига мансуб 2 мингдан ортиқ киши махсус полигонларга эвакуация қилиниб, бу ерда озиқ-овқат таъминоти ва тиббий хизмат ташкил этилди<sup>63</sup>. СССР Министрлар Советининг 1989 йил 26 июндаги қарорига асосан меҳсети турклари Россиянинг Ноқоратупрок ҳудудига, Белгород, Воронеж ва Курск вилоятларининг қишлоқ ҳудудларига жойлаштирилди<sup>64</sup>.

1990 йилнинг 2-ярмида Ўзбекистон ССР Олий суди томонидан Фарғона областидаги оммавий тартибсизликлар билан боғлиқ жиноий ишлар ўрганилиб, 277 киши бўйича очилган 107 та жиноий иш кўриб чиқилди. Кўриб чиқилган 107 та ишдан 168 киши бўйича очилган 72 та жиноий иш юзасидан ҳукм чиқарилган, 94 киши бўйича очилган 35 та жиноий иш қайта тергов ўтказилиши учун қайтарилган<sup>65</sup>.

Кўп ўтмай Фарғонадаги каби воқеалар Андижон билан чегарадош Ўш шаҳри ўзбек аҳолисининг бошига тушди. 1990 йилнинг июнь ойида

<sup>60</sup> ФВДА, 8-фонд, 12-рўйхат, 505-нш, 33-варақ.

<sup>61</sup> ЎзМА, 1714-фонд, 9-рўйхат, 574-нш, 2-варақ.

<sup>62</sup> Ферганская резня. Как это было. Часть 1// <https://www.legendapress.ru/special-investigation/ferganskaya-reznya-kak-eto-bylo-chast-1/>.

<sup>63</sup> ФВДА, 8-фонд, 12-рўйхат, 505-нш, 38-39-варақлар.

<sup>64</sup> ФВДА, 1124-фонд, 15-рўйхат, 389-нш, 62- варақ.

<sup>65</sup> ЎзМА, 1714-фонд, 9-рўйхат, 611-нш, 177-варақ.

Қирғизистоннинг Ўш вилоятининг Ўзган ва бошқа шаҳарларида ўзбек-қирғиз миллатлараро уруши келиб чикди. СССР прокуратураси тергов гуруҳининг маълумотларига кўра Ўзган, Ўш шаҳарлари, ва ушбу вилоятларнинг баъзи кишлокларида 1200 га яқин одам ўлдирилди (норасмий маълумотларга кўра 10 000 га яқин одам қирғин этилган). Терговчилар 10 мингга яқин жиноятларни қайд этди. Судларга 1500 та жиноий ишлар ҳужжатлари юборилди. Миллатлараро тўқнашувларда 30-35 минг аҳоли иштирок этди. Жиноий ишга 300 та одам тортилди<sup>66</sup>.

XX аср 80 йиллари охирида Ўзбекистондаги сиёсий ўзгаришлардан бири – бу сиёсий тизимда муҳолифий ҳаракат ва партияларнинг тузилиши бўлди. 1988 йили “Бирлик” халқ ҳаракати жамоат ташкилоти сифатида ташкил топди. У жамоат ташкилоти бўлишига қарамай, сиёсий партияларга ҳос равишда фаолият юрита бошлади. Ҳаракат фаоллари кўпроқ митинг ва намойишлар ўтказиш, маҳаллий раҳбарларга тазйиқ қилиш, ночор ижтимоий ҳолатга тушиб қолган қатламлар вакиллари эҳтиросларини авж олдириш, мамлакатда сиёсий ҳокимиятнинг қўлга олиш мақсадида фаол ҳаракат қила бошлади.

«Бирлик» халқ ҳаракати баъзи радикал гуруҳларнинг кўчалар ва майдонларда оммавий равишда митингбозликларга берилиши, давлатга қарши радикал ва сўл мазмундаги талабларни илгари суриши таъсирида, бошбоқдоқлик муҳитида тузилганлиги сабабли кўплаб хатоликларга йўл қўйди. Ҳатто, Фарғона фожияларининг юзага келишида ҳам “Бирлик” ҳаракатининг таъсири бўлгани айтилади<sup>67</sup>. Бундан ташқари, “Бирлик” ташкилоти 1989 йил 15-19 октябрь кунлари Андижонда 2 та оммавий намойишлар ташкил қилиб, бунда 2 мингга яқин киши ва Наманган, Фарғона, Ўш вилоятларидан келган норасмий ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этган<sup>68</sup>.

1990 йил 30 апрелда “Эрк” демократик партияси ташкил топди. “Эрк” партияси “Бирлик” ҳаракатидан фарқли ўлароқ турли оммавий-сафарбарлик ҳаракати ва намойишлар каби тактикалардан воз кечди ва ўз мақсадларига парламент йўли билан эришиш йўлини тутди. “Эрк” партиясининг низомида Ўзбекистонни тўла мустақил қилиш, кўппартиявийликка асосланган демократик тизимни қарор топтириш, бозор иқтисодиётини жорий этиш, корхоналарни хусусийлаштириш, сиёсий жараёнларни либераллаштириш ва инсон ҳуқуқларини қенгайтириш каби мақсадлар белгиланган эди<sup>69</sup>.

“Бирлик” ҳаракати ва “Эрк” партияси мустақиллик ғояларини ўзига дастур этиб олгани билан уларнинг ташкилий тузилиши, фаолияти ўта радикал бўлганлиги учун унинг фаолиятида сиёсий элита вакиллари иштирок этмади. Уларнинг раҳбар органлари асосан шоир, ёзувчи, журналист каби зиёлилар қатламига мансуб эди. Қолаверса, уларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги

<sup>66</sup> Ошская резня 1990 года. Хронология трагедии/[http://ru.wikipedia.org/wiki/Ошская\\_резня](http://ru.wikipedia.org/wiki/Ошская_резня).

<sup>67</sup> ФВДА, 8-фонд, 12-рўйхат, 505-иш, 34-варак.

<sup>68</sup> Мамитов М. Деятельность компартии Узбекистана по интернациональному воспитанию сельского населения в 80-е годы / Дисс. канд. ист. наук. – Ташкент: 1990. – С. 96.

<sup>69</sup> Idil Tuncer Kilavuz. Submitted to the faculty of the University Graduate School in partial fulfillment of the requirements for the degree. Doctor of Philosophy in the Department of Central Eurasian Studies, Indiana University. August 2007. PP. 140-141.



ўзгаришларга доир аниқ, аҳоли учун тушунарли дастури ҳам йўқ эди. Шунинг учун ҳам улар фаолияти умумиллий характер касб этмади<sup>70</sup>.

“Эрк” партияси раҳбарлари жамиятни янгилаш учун бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш заруриятини, қандай ислохотлар ўтказиш кераклигини ва унинг мазмун-моҳиятини, одамлар онги ва руҳиятини ўзгартириш лозимлигини, бунинг учун машаққатли ўтиш даврини босиб ўтиш заруриятини англаб, тушуниб етолмадилар. Шу боисдан “Эрк” партияси халқ орасида таянчга, ишончга эга бўлолмади<sup>71</sup>. Шунингдек, «Эрк» демократик партияси дастури ёки унинг раҳбарлари баёнотларида уларнинг қандай жамият ва давлат қуришга доир мафқуралари эълон қилинмади. Партия раҳбар органлари, фаоллари ва аъзолари фаолияти умумиллий даражага ўсиб ўтмади. Улар муайян ва санокли кўча ва майдонларда, ижтимоий биноларда гоҳ-гоҳ ўзларини кўрсатиб кўяр эди. Чунки, халқ оммаси бу партия ортидан эргашмади. Партиянинг тўрт йилдан ортиқроқ фаолияти жараёнида ўсиш суръатлари сезилмади, аксинча унинг кўлами кенгайиб борди. Шунинг учун ҳам қисқа давр ичида партия инкирозга юз тутди ва тарқалиб кетди.

Марказнинг мустабидлик сиёсатини янги шаклларда кучайтириши ва турли сиёсий найранглар Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишини тезлашишига сабаб бўлди. Шунингдек, барча сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тангликлар ҳам мустақиллик сари интилишларни кучайтирган эди. Ўзбек миллати ва республика ҳукуматини мустақилликка эришиш манфаатлари бирлаштирди. Ҳукумат 1990 йил давомида давлат мустақиллигига эришишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини яратишга киришди. 1990 йилнинг 20 июнида Республика Олий Совети 2-сессияси “Мустақиллик Декларацияси”ни қабул қилди<sup>72</sup>. Декларация Ўзбекистон жамияти ҳаётидаги туб бурилиш бўлиб, 1991 йил 31 августда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилишнинг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилди.

## ХУЛОСА

XX асрнинг 70-80 йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таҳлили ва тадқиқи қуйидаги хулосаларга асос бўлди:

1. Иттифоқ жамияти ижтимоий ҳаётида амалга оширилган тадбирлар аҳоли турмуш даражасини етарли даражада юксалтиришни объектив равишда таъминлай олмади, бу тадбирлар асосан расмиятчиликдан иборат бўлиб, мустабид тузумнинг мафқураси ва руҳини акс эттирар, аммо бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими негизларига даҳл қилмасди;

2. Республика раҳбариятининг иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган интилишлари Марказнинг пахта яккахокимлигини кенгайтиришга қаратилган мақсадларига зид келарди.

<sup>70</sup> Усмонов Қ., Содиков М., Бурнонова С. Ўзбекистон тарихи. Директик. Тошкент, 2005. – Б. 320

<sup>71</sup> Уша жойда

<sup>72</sup> Кирғизбоев М. Мустақиллик Декларацияси. // <http://huquqburch.uz/uz/view/510>.

Марказнинг директив йўл-йўриklarига мувофиқ Ўзбекистон иқтисодиётида устунлик фақат пахтачиликка қаратилдики, пахта яккоҳокимлигини мустақамлашга қаратилган бу сиёсат республика кишлоқ хўжалигининг умумий аҳволига салбий таъсир кўрсатди;

3. XX аср 70-80 йилларида республика раҳбариятининг Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий кескинликни юмшатиш, Марказ томонидан ўтказилаётган тазйикни бўшаштиришга бўлган уринишлари ҳукмрон партия томонидан “маҳаллийчилик”, “миллатчилик” деб баҳоланди ва каттиққўллик билан барҳам топтирилди;

4. Кўриб ўтилаётган йилларда Ўзбекистон иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳам Иттифокда охириги ўринлардан бирини эгаллади. Жумладан, Республика бўйича ялпи миллий даромад ҳажми иттифокдаги ўртача даражадан икки марта кам эди. Шунингдек, республика аҳолисининг озик-овқат маҳсулотлари ва ижтимоий таъминланиш даражаси ҳам энг паст кўрсаткичлардан бирини ташкил этар эди. Бу ҳолат ижтимоий-сиёсий инкироз учун шароитлар етилиб келаётганлигини англатар эди;

5. 1980 йиллар ўрталарида Иттифок раҳбариятининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган “кайта қуриш” сиёсати ўзини оқламади. Бу сиёсат оқибатида республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида танглик ҳолати чуқурлашиб, халқ хўжалигининг бутун соҳаларида ишлаб чиқариш самарадорлиги, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси тобора пасайиб борди;

6. Марказ томонидан тўқиб чиқарилган “пахта иши”, “Ўзбеклар иши” жараёнларидаги қонунбузарлик ва ҳаддан ошишлар, ўзбек халқининг шаъни ва иззат нафсининг қўпол равишда топталиши, Марказ томонидан Ўзбекистонда уюштирилган миллатлараро зиддиятлар республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни янада кескинлаштириб юборди, ҳукмрон мафкура ва мустабид тузум инкирози якқол намоён бўла бошлади;

7. Мафкуравий яккоҳокимлик, иқтисодий инкирозлар, кишиларда давлатга ва тузумга бўлган ишончсизлик сиёсий бўҳронлар учун етилиб қолган эди. Ана шундай оғир ва таҳликали бир шароитда мавжуд муаммоларни хал этиш, халқни миллий мустақиллик сари сафарбар этиш каби мақсадлар қун тартибини белгилаб бермоқда эди. Айниқса, бир неча юз йилликлар ўзбек халқининг орзу армони бўлган миллий давлатни шакллантириш тарихий заруриятга айланган эди.

Ўзбекистонда XX асрнинг 70-80 йилларида ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихини ўрганиш жараёнида қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** шаклланди:

1. Машъум социалистик тузумнинг қайтадан тикланмаслиги учун унинг тоталитар характери ва табиатини чуқур англаш лозим. Шунинг учун ҳам тарихдаги “турғунлик” ва “кайта қуриш” даврларига доир янги илмий-тарихий асарлар яратиш зарур;

2. Ҳозирги даврда гоъвий ва мафкуравий курашлар авж олган бир даврда, таълимнинг турли босқичлари учун Ўзбекистон тарихи фанидан

дарслик ва ўқув қўлланмалардаги “турғунлик” ва “қайта қуриш” даври воқеликларини қайтадан ёзиш ва янги карашлар асосида тўлдириш лозим;

3. Ўзбекистонда 1980 йиллар охирида собиқ Иттифок махфий хизматлари томонидан сунъий юзага келтирилган миллатлараро зиддиятларнинг асл моҳиятини ҳаққоний ўрганиш ва илмий-тарихий асарлар яратиш ҳозирги давр учун энг долзарб вазифалардан биридир;

4. Ҳозирги Ўзбекистон тарихи фанининг аҳамиятини янада ошириш, уни таълим тизимида ўқитишнинг долзарб вазифа эканлигидан келиб чиқиб, “Ўзбекистон “турғунлик” ва қайта қуриш” даврида: генезиси, шаклланиши, фожеалари, оқибатлари” номли махсус курсни ўқув режасига киритиш, унга доир ўқув қўлланма ва монографиялар яратиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc. 03/30. 12.2019. Tar.01.04 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХОДЖАМБЕРДИЕВ ХУРШИДБЕК ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ИСТОРИЯ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В  
УЗБЕКИСТАНЕ  
(1970 – 1991 годах)**

**07.00.01 – История Узбекистана**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА  
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2020**

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.1.PhD/Tar102.

Диссертация выполнена в Андijanском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://adu.uz>) и на информационно-образовательном портале ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

Научный руководитель:	Бобожонова Дилором Бобожоновна доктор исторических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Обламуродов Наим Халимович доктор исторических наук, профессор  Пасялов Баходир Абдуллаевич кандидат исторических наук
Ведущая организация:	Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «5» 12 2020 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019, Tar.01.04 при Национальном университете Узбекистана, Каракалпакском научно-исследовательском институте гуманитарных наук (Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Мирзо Голиба, Исторический факультет Национального университета Узбекистана, 1-й этаж, 110-аудитория). Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz) Национальный университет Узбекистана).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №96). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «28» 11 2020 года  
(реестр протокола рассылки № 25 от «28» 11 2020 года).



**А.А. Маврудов**  
Председатель Ученого совета по присуждению  
ученых степеней, д.и.н., профессор;

**Д.Ж. Ураков**  
Ученый секретарь Ученого совета по  
присуждению ученых степеней, д.и.н., доц.

**Н. У. Мусаев**  
Председатель научного семинара при Ученом  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.и.н., профессор



**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В то время, когда все более усиливается процесс глобализации в мировом масштабе социально-политические изменения в повседневной жизни стран мира приобретают интенсивный характер. Если с одной стороны наблюдается взаимное сближение народов под влиянием интеграции, то с другой стороны появление новых государств на политической карте мира и интенсивный рост численности населения порождают, в свою очередь, ряд социально-экономических трудностей, становясь причиной этнических противоречий. Данное обстоятельство требует ведения во внутренней жизни стран разумную социально-экономическую политику.

В целях устранения влияния глобальных проблем на социально-экономическую и духовно-культурную жизнь населения стран, в ряде научных учреждениях мира уделяется особое внимание утверждению межнационального согласия и толерантности в обществе, либерализации деятельности политических институтов а также их модернизации. В частности, проводятся специальные исследования по изучению истории социально-политических процессов. На сегодняшний день экономическая политика и ее отражение в образе жизни населения, влияние социального положения различных слоев населения на межнациональные отношения, сущность и последствия, социальное положение, являются актуальной темой которая играет важную роль в вынесении соответствующих заключений.

Позитивные изменения, произошедшие во всех сферах жизни общества за годы независимости Республики Узбекистан, проведение реформ, направленные на улучшение социального положения народа, повышение его правовой культуры и усиления его политической активности играют важную роль в формировании исторического мышления у молодого поколения. Ибо, наша Конституция “служит прочным фундаментом построения в стране правового демократического государства, сильного гражданского общества, экономики, основанной на свободных рыночных отношениях и приоритете частной собственности.”<sup>1</sup> В данном процессе заслуживает внимания анализ сложных и противоречивых вопросов, возникших в социально-экономической жизни республики в бывшем советском периоде, изучение исторического опыта сегодняшних коренных реформ в социальной и экономической сферах.

Известно, что 70-80 х годах XX века Узбекистан переживал период “застоя” и “перестройки” советской эпохи, включая период 1965-1985 годов, когда бывший Советский Союз достиг паритета в гонке вооружений с США, тем не менее в стране отсутствовали права и свободы человека, граждане управлялись не законами, а решениями абсолютной власти партии, демократические ценности, которые были объявлены в годы “перестройки”, остались на бумаге, происходили межэтнические столкновения и вспышка

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонуни устуворлиги ва инсон манфиатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2016 йил 6 декабрь.

массовых убийств, а также проблемы, связанные с нехваткой продовольствия и экологической катастрофой. Сравнительный анализ насущных проблем в социально-экономической жизни республики в советский период, связанных с либерализацией социально-экономической сферы в период независимости, помогает понять и раскрыть природу трудностей, с которыми сталкивался наш народ в недавнем прошлом.

Данное диссертационное исследование служит выполнению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, «Об организации деятельности Общественного совета по новейшей истории Узбекистана при Академии наук Республики Узбекистан» за № ПП-3105 от 30 июня 2017 года и Постановлении Президента РУз «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания» за № ПП-3907 от 14 августа 2018 года, а также в других соответствующих нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления программы развития науки и технологий республики: I. «Формирование системы инновационных идей, их претворения в социальном, правовом, экономическом, культурном, нравственно-образовательном развитии информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** В настоящее время в Узбекистане и странах СНГ проводятся исследования по изучению истории СССР, а также национальной истории суверенных государств. В частности, продолжается процесс воссоздания истории Узбекистана 70-80-х годов XX века с точки зрения национальной идеи и национальных интересов. Объективные анализы при создании истории данного периода стали еще более массовыми только после 2000 годов, к этому времени появились новые взгляды на интерпретацию истории 1970-1980 гг.

В данной диссертации проанализирована литература по политическим и социально-историческим процессам, прошедшим в Узбекистане в 70-80-х годах XX века, разделённым на нижеследующие группы: 1) материалы научной литературы и средств массовой информации, опубликованные в период бывшего Союза; 2) научные работы, созданные в период независимости; 3) научные исследования зарубежных историков, политологов и социологов по данной работе<sup>2</sup>.

В годы советской власти проводились исследование в области социально-экономической и культурной жизни общества периода 1970 – 1980 годов. В частности, Ш. Зиямов, Р. А. Абдуллаева, Х. Зокидов, Г.Аббасова, А.

---

<sup>2</sup> Историкография данной темы подробно проанализирована в главе -I.

Агзамходжаев, А. Мавлонов, Р. Каримов, Э.Тухтаев и А. Абдуллаев<sup>3</sup> освещали некоторые аспекты общественно-политических процессов с точки зрения той эпохи, согласно требований господствующей идеологии. В рассматриваемый период невозможно было создать национальную историю на основе беспристрастных, национальных интересов. Поэтому созданные в тот период исторические труды не отвечают требованиям, предъявляемым работам, посвящённым истории национальной государственности прошлого. Конечно, данная ситуация была характерна для всех стран СНГ.

Исследования, относящиеся ко второй группе, были созданы в годы независимости, в которых многие ученые-историки Узбекистана освещали проблемы периода “застоя” и “перестройки”. В диссертациях исследователей, таких, как А. Маврулов, А. Машарипов, А. Хазраткулов, Н. Обломуродов, Р. Носиров, Б. Пасилов, К. Эргашев, Д. Бобожонова, К. Расулов, А. Пулатов и Х. Юнусова<sup>4</sup> исследованы отдельные аспекты социально-экономических и политических процессов 70-80-х годов прошлого века в Узбекистане. Те или иные аспекты изучаемой темы были исследованы учеными историками, философами, экономистами, юристами, такими, как С. Ризаев, Ж. Мамашукуров, Р. Абдуллаева, А. Азизходжаев<sup>5</sup>.

